Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 73 (20. 640) • 1990 йил 28 март, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда

КПСС янги Уставининг лойиҳаси КПСС Марказий Комитетининг Пленумида муҳокама қилиниб, принцип жиҳатдан маъқулланганлиги газетхонларга маълум. Пленумнинг топшириғига бинoан, бўлиб ўтган мунозара якунларига мувофиқ таҳрир комиссияси ва Марказий Комитет Сиёсий бюроси Устав лойиҳасини пухта ишлаб чиқиб, бу ҳужжатни КПСС Марказий Комитети аъзоларига, шунингдек республика, ўлка ва область партия комитетларининг секретарларига юборди. Улардан тушган мулоҳазалар эътиборга олинди ва КПСС Устави лойиҳаси ялпи муҳокама учун эълон қилинмоқда.

ЛОЙИҲА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ УСТАВИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — ўзини ўзи бошқарадиган ижтимоий-сиёсий ташкилот, маслакдош коммунистларнинг ихтиёрий бирлашмаси. У Маркс, Энгельс, Ленин ғояларини ижодий ривожлантиришга асосланиб, коммунистик истиқболни кўзлаб, мамлакатда инсонпарвар, демократик социализм қуришни, байналмилалчилик, умумбашарий қадриятларни қарор топтиришни ўзига мақсад қилиб қўяди. КПСС ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг танлаб олган социалистик йўлига таянади, халқнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади, кўп миллатли совет жамиятини ўзининг сиёсий ҳаракат дастури негизида жипслаштиришга интилади.

I. КПССга АЪЗОЛИК

1. 18 ёшга тўлган, партия Программаси ва Уставини эътироф этувчи, унинг ташкилотларидан бирида ишловчи ва аъзолик бадалларини тўлаб турувчи СССРнинг ҳар бир граждани КПСС аъзоси бўла олади.

2. Партиянинг ҳамма аъзолари тенг ҳуқуқлидир. Улар: партиянинг ички ва ташқи сиёсати, партия турмушининг ички масалаларини ўртага қўйиш ва эркин муҳокама қилиш, қарорларни ишлаб чиқишда қатнашиш, барча поғоналардаги партия органларини сайлаш ва уларга сайланиш ҳамда уларнинг ишини назорат қилиш, ҳар қандай партия органини, ҳар қандай коммунистни, эгаллаб турган мавқеидан қатъи назар, танқид қилиш, ҳар қандай партия идорасига ариза ва таклифлар билан мурожаат қилиш ҳамда ўз мурожаатининг моҳияти юзасидан жавоб олиш, ўз фаолияти ёки хулқ-атвори тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганида партия органи ишида қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

КПССга аъзолик коммунистга афзаллик бермайди ҳамда гражданлик ҳуқуқлари ва эркинликларини чекламайди. У, фаолияти СССР Конституцияси асосига қурилган ва социалистик ғояга зид келмайдиган жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари ишида қатнашишга ҳақлидир. КПСС аъзоси бошқа сиёсий партияларга аъзо бўлиши мумкин эмас.

3. КПСС аъзосининг вазифаси партиянинг жамиятдаги авангардлик позицияларини таъминлаш учун курашиш, унинг сиёсий йўлини меҳнат коллективларида ва аҳоли орасида, давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларида ўзчиллик билан ўтказиш, партия қарорларини бажариш, коммунистик ғояларни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш, қонунийликка ва ижтимоий аҳлоқ нормаларига оғишмай риоя этиш намунасини кўрсатишдан иборат.

4. КПСС аъзолигига якка тартибда, демократик асосда ва ошкора қабул қилинади. КПСС аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарорни бошланғич партия ташкилоти ўзининг очиқ йиғилишида чиқаради. Йиғилишнинг қарори узил-кесилдир. КПССда ягона партия билети бўлади, партия аъзоларини ҳисобга олиш тартибини КПСС Марказий Комитети белгилаб беради.

Камида 40 йил партия стажига эга бўлган КПСС аъзосига унинг партиядаги узоқ вақт фаол ишлаганини эътиборга олиб, бошланғич партия ташкилотининг район, шаҳар партия комитети томонидан тасдиқланадиган қарори билан «КПСС ветерани» фахрий унвони берилади.

5. Партияга доғ тушираднган, унинг Устави талабларига мувофиқ келмайдиган феъл-атвори учун партия аъзоси КПССдан чиқарилганидан кейин бошланғич партия ташкилотининг ёки юқори партия органининг қарорига биноан КПССга аъзолик тўхтатилади. Суд томонидан жавобгарликка тортиладиган жиноят қилишда айбдор деб топилган партия аъзоси ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин КПССдан чиқарилиши лозим.

Партия аъзосининг КПССдан ихтиёрий чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан партияга аъзолик тўхтатилиши мумкин, бу ариза бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилади.

КПСС аъзолигига қабул қилиш пайтида ва партиядан чиқариш пайтида, агар йиғилишда ҳозир бўлганларнинг камида учдан икки қисми, мазкур ташкилот ҳисобида турганларнинг ярмидан кўпроғи қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда, бу қарор ҳақиқий деб ҳисобланади.

Сайлаб қўйилган партия органи таркибига кирувчи КПСС аъзосини партиядан чиқариш тўғрисидаги масала у ҳисобда турган ёки уни мазкур органга тавсия қилган бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилади. Бошланғич партия ташкилотининг фикрини эътиборга олиб ва унинг вакили иштирокида бу масала сайлаб қўйилган органнинг пленумида мажлисда ҳозир бўлганлар овозларининг учдан икки қисмидан иборат ва унинг аъзоларининг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган кўпчилик билан ҳал этилади.

Партиядан чиқарилган киши бир йил давомида, вазият ўзгарган тақдирда эса истаган вақтида партиянинг назорат-тафтиш органларига шикоят аризаси беришга ҳақлидир. Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб кўпи билан икки ой ичида кўриб чиқилади.

Партия интизоми ва ахлоқ-одобини бузганлик учун партия аъзоларига нисбатан ўртоқларча танқид, танбеҳ бериш ёки ҳайфсан эълон қилиш тарзида партиявий тарбия ва таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

II. ПАРТИЯ ИЧКИ ДЕМОКРАТИЯСИ

6. КПСС ғоявий бирлик ва партиявий ўртоқлик асосида, ўзини ўзи бошқариш принциплари негизида яшайди ва ишлайди, бу принциплар партиялилар оммасининг ҳокимиятини, партия ички муносабатларининг ҳар томонлама демократизмини коммунистларнинг онгли интизоми ва уюшқоқлиги билан бирга қўшади.

Партияда фикрларни изҳор этиш эркинлиги, турли қарашлар ва ҳаракат дастурларини таққослаш, ошкора танқид ва ўз-ўзини танқид таъминланади. Айрим ташкилотлар, КПСС доирасида умуман партия ва мамлакат турмушининг долзарб масалалари юзасидан мунозаралар ва референдумлар ўтказилиши, уларнинг якунлари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниши мумкин.

7. Партия ташкилотлари ўзларининг ички турмуши ва фаолияти қурилишда мустақилдирлар. Уларнинг қарорлари КПССнинг Программавий мақсадларига ва Устав нормаларига зид бўлмаса, юқори органлар томонидан бекор қилиниши мумкин эмас, шахсий ишларга оид қарорлар бундан мустаснодир.

8. Партия ташкилотлари ва комитетларининг иши демократия усулларида ўтказилади, субъективчилик ва якка ҳокимиятчиликни истисно қиладиган коллективчилик негизларига қурилади. Қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул этишдаги коллегиаллик коммунистларнинг шу қарорларни бажариш учун шахсий масъулияти билан бирга қўшиб олиб борилади.

Партия органлари ишнинг асосий йўналишлари юзасидан доимий комиссиялар тузадилар, шунингдек муваққат комиссиялар ва ишчи группаларини ташкил этадилар, коммунистларни ва бошқа гражданларни штатсиз асосда ўз фаолиятига жалб қилишнинг бошқа усулларидан фойдаланадилар.

9. Партия ташкилотлари раҳбар органлари ва уларнинг аппарати ошкора ишлаб, партия қарорларига биноан партия йиғилишлари, конференциялари, съездларининг, комитетлар ва бюролар мажлисларининг ошкора тарзда ўтишини, уларда партия матбуотининг иштирокини таъминлайдилар, ўз фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали ва бошқа йўллар билан коммунистлар ва партиясизларни мунтазам хабардор қилиб турадилар. Коммунист ўз бошланғич партия ташкилоти бюроси ёки парткомининг мажлисида ҳозир бўлишга ҳақлидир. Сайлаб қўйилган партия органининг аъзолари ўзига қарашли органларнинг, шу жумладан партия комитети бюросининг мажлисларида бемалол иштирок этиш, шунингдек партком ва унинг аппарати ихтиёридаги ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

10. Партиядаги ҳамма раҳбар органлар сайлаб қўйилади. Улар номзодларни кенг муҳокама қилиш ва коммунистларнинг фикрини имкони борича кўпроқ ҳисобга олиш шароитида, асосан муқобиллик негизида, яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Партия аъзолари сайловда истаганча номзод, шу жумладан ўз номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Овоз бериш ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида ўтказилади. Бошқа номзодларга нисбатан энг кўп овоз, йиғилишда қатнашган КПСС аъзолари, конференция, съезд делегатлари, партия комитетининг ёки сайлаб қўйилган бошқа органнинг аъзолари овозлари ярмидан ортиғини олган номзодлар сайланган ҳисобланади.

Делегатлар номзодини кўрсатиш ва сайлашда коммунистлар юқори партия органлари таркибига номзодлар юзасидан таклифлар киритадилар, бу таклифлар шу органларни тузадиган конференция, съезд томонидан кўриб чиқилади.

(Давоми иккинчи бетда).

АЛОҲИДА КИТОБЧА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

«СССР Президенти М. С. Горбачевнинг 1990 йил 15 мартда халқ депутатлари навбатдан ташқари учинчи Съездида сўзлаган нутқи» алоҳида китобча қилиб нашр этилди.

Китобчани Снёсий адабиёт нашриёти чиқарди ва у «Красний пролетарий» босмахонасида босилди.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

27 март куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов республика ҳукуматининг янги состави юзасидан таклифлар киритди. Олий Совет ушбу таклифларни доимий комиссияларда дастлабки тарзда муҳокама этиш учун топширишга қарор қилди.

Шундан сўнг Ш. Р. Мирсаидов ҳукуматнинг келгусидаги фаолият программаси ва Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақиллигини шакллантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида маъруза қилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Б. М. Маҳмудов, А. Х. Тожиев, Т. Б. Режапов, Б. Қ. Алиев, Э. Н. Хўжаев, С. Умаров, А. А. Қаландаров, Э. Т. Шайхов, В. А. Паттаев, В. Н. Сигедин, С. Т. Жўраева, М. О. Қобилов, Х. Э. Бердиев, Т. П. Хидиров, З. Иброҳимова, Т. Р. Қиличов, В. И. Криворучко, И. Юсупов, Т. Зоҳидбоева, Қ. Ҳалимбетов, С. Тошпўлатов, В. С. Содиқов сўзга чиқдилар.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг маърузаси юзасидан қарорлар ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи таҳрир комиссиясини тузди.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг тавсиясига мувофиқ Р. А. Хачатуровни Ўзбекистон ССР Давлат бош ҳаками этиб тайинлади.

Олий Совет Ш. З. Ўразаевни Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Раиси этиб сайлади.

Сессияда Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг аъзолари тасдиқланди.

28 март куни сессия ўз ишини давом эттиради.

Суратларни сессиядаги махсус фотомухбиримиз В. МОЛГАЧЕР олган.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўртоқ Шавкат Закариевич Ўразаев Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Раиси этиб сайлансин.

2. Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Раиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессиясига Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Раис ўринбосарини ва Ўзбекистон ССР Конституциясида кўзда тутилган миқдорда, бунга Қорақалпоғистон АССР вакили ҳам киради, аъзоларини сайлаш тўғрисида таклиф киритсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 27 март.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ БОШ ҲАКАМИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Роберт Альбертович Хачатуров Ўзбекистон ССР Давлат бош ҳаками этиб тайинланисин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 27 март.

Ўзбекистон ССР Президентининг матбуот конференцияси

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов 27 март куни матбуот конференцияси ўтказди. У журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди.

(ЎзТАГ).

• *Бизнинг суҳбат*

АСОСИЙ МАҚСАД: ХАЛҚ МАНФААТИ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси давом этмоқда. Жумҳуриятимизнинг биринчи Президенти сайлангунча, депутатлар мажлисининг кун тартибини муҳокама қилдилар, тегишли қонун-қондага кўра, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, унинг ўринбосарини сайладилар. Доимий комиссиялар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди, икки муқобил номзодни овозга қўйиш йўли билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси сайланди. Эътиборга сазовор томони шуки, кун тартибидаги масалалар муҳокамаси қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтмоқда, депутатлар у ҳақда алоҳида манфаатдорлик билан фикр юритмоқдалар. Буни қуйидаги депутатларнинг мухбиримиз билан суҳбатдаги сўзларидан ҳам билса бўлади.

ТАДБИРЛАР ИЖРОСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ҳошимжон ТЕШАБОЕВ, Андижон паррандачилик бирлашмаси директори.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессиясини олдингиларига қиёслаш қийин. Демократияни қарор топтириш йўлида олға қараб дадил қадам қўйилганлиги кўриниб турибди. Кун тартибидаги масалалар очиқ-ошкора муҳокама қилинмоқда.

Табиийки, сессияда Олий Совет доимий комиссиялари раислари, жумҳурият Министрлар Советининг Раисини сайлаш жараёнида жумҳуриятимиз халқи учун оғир дард бўлиб келаётган анчагина муаммоларнинг ҳал қилиш йўллари айтилди. Улардан бири ишсизликка қарши кураш масаласидир. Бу айниқса, бизнинг Андижон областимиз учун характерлидир. Сессияда иш ўринлари ташкил этишнинг қатор имкониятлари тилга олинди. Келгусида иш билан банд бўлмаган кишилар учун нафақалар белгилаш ҳақида ҳам айтилдики, бу партия ва ҳукуматимиз оддий кишилар ҳақида астойдил қайғураётганлигини кўрсатади.

Аммо, менингча, иш ўринларини кўпайтириш, уни ташкил этиш билан ҳамма, ҳар бир корхона, хўжалик ҳам астойдил шуғулланиши керак. Паррандачилик бирлашмамизда кейинги вақтда бу масалага эътиборни кучайтирдик. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ташкил этмоқдамиз. Оҳак цехи қурдик, асфальт цехи қурилишини бошламоқчимиз. Натижада ҳозирдаёқ юзлаб киши ишга жалб этилди. Биз бу йўналишдаги фаолиятимизни бундан кейин ҳам давом эттираверамиз.

ТОШ-ТОРОЗИ БИР ҚУЙИЛСА

Садирали УМАРОВ, Фарғона вилоятининг Ленинград ноҳиясидаги Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз ишчиси.

Пахта яккаҳокимлигига барҳам берилмоқда. Жумҳуриятимиз бу йил 1989 йилдагига нисбатан камроқ тола тайёрлаши планлаштирилди. Шунга яраша пахта экиладиган ер майдонларининг бир қисми бошқа экинларга ажратилаётир. Сессияда ана шу ҳақда маълум қилинди.

Аммо, ён дафтаримдаги қайдлар қишлоқда ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп эканлигини кўрсатмоқда. Пахта майдонларининг камайтирилиши алмашлаб экишга, ернинг унумдорлигини ошириш тадбирларини ўтказишга имкон бериши керак. Бунинг учун бу имтиёздан барча хўжаликлар баб-баравар манфаатдор бўлиши лозим эмасми?

Амалда-чи? Амалда ҳар донм ҳам, ақл билан иш қилинаётгани йўқ. Жумҳуриятимизда экин майдонларининг учдан икки қисмига яқинини пахта банд этиб турибди. Фарғона вилоятида бўлса, ернинг 67 фоизига чигит қадаляпти. Ленинград ноҳиямизда бу кўрсаткич 69, бизнинг Ҳамза Ҳакимзода номли совхозда 74,2 фоизни ташкил этмоқда. Бундан қандай натижа келиб чиқяпти. Хўжалигимизда бошқа тармоқлар, хусусан, чорвачилик ривожланмаётир.

Демоқчиманки, пахта яккаҳокимлигини тугатиш йўлида бошланган хайрли иш ҳар бир колхоз ёки совхозда ҳам ўз аксини топиши керак. Шунда унинг самараларидан барча баробар баҳраманд бўлади. Янги сайланган ҳукумат раҳбарлари бу нарсага эътиборни кучайтирсалар керак, албатта.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ

УСТАВИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Район, районларга бўлинмаган шаҳар ва округ партия конференцияларига делегатлар бошланғич партия ташкилотларида сайланади. Шаҳар ва округ (районларга бўлинган), область, ўлка конференцияларига, Иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларига, КПСС съездига делегатлар сайлаш бошланғич партия ташкилотлари томонидан албатта номзодлар кўрсатилиб, одатда коммунистларнинг бевосита овоз бериши йўли билан ўтказилади. Сайлов тартибини тегишли партия комитети муайян территория коммунистларининг камида ярми ёқлаб чиққан таклифлар асосида белгилайди. Шу мақсадда референдум ёки сўров ўтказилиши мумкин.

11. Партияда райкомдан бошлаб юқоригача сайлаб қўйиладиган барча шахслар бир лавозимнинг ўзига сурункасига икки мартадан ортиқ сайланмайдилар. Партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари таркиби ташкилот аъзолари учдан бир қисминнинг талабига биноан ёки сайлаб қўйилган органнинг айрим ёки барча аъзолари ихтиёрий истеъфога чиқиши тўғрисидаги аризасига биноан уларнинг ваколат муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки тўлатўкис қайта сайланиши мумкин.

Район, шаҳар, округ, область, ўлка партия комитетларининг, Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, КПСС Раиси ва унинг ўринбосарлари тегишли конференция ва съездларда сайланади. Овоз бериш бюллетенига исталганча номзодлар киритилади. Шу билан бирга мазкур мансабдор шахсларни келгусида муддатидан аввал қайта сайлаш тартиби белгилаб қўйилади.

12. Партия комитетлари ўз партия ташкилотларига ва юқори органларга ҳисоб бериб турадилар. Партия комитетларининг бюролари ҳар йили пленумларда, партия комитетлари ва партия бюролари эса бошланғич ва цех партия ташкилотларининг йиғилишларида ҳисоб бериб турадилар. Партия сайлаб қўйилган органининг ҳар бир аъзоси ўз иши ҳақида уни сайлаган ёки тавсия этган партия ташкилотлари олдида ҳисоб бериб туради.

13. Қарорлар қабул қилишда партия ташкилотлари ва комитетлари ҳамма фикр-мулоҳазаларини кўриб чиқишга мажбурдирлар. Озчилик ўз позициясини ҳимоя қилиш, ўзининг алоҳида фикрини протоколларда қайд эттириш, баҳсли масалаларни ўз ташкилотида такрор кўриб чиқишни талаб қилиш ёки бу масалаларни юқори органлар олдига қўйиш ҳуқуқига эгадир. Шу билан бирга кўпчилик томонидан қабул этилган қарор ҳамма учун мажбурийдир.

Партия комитетларининг ижроия органлари (президиум, бюро)да фикр бир жойдан чиқмаган тақдирда, қарор лойиҳаси такрор муҳокамага қўйилади ва овозларнинг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Партия органларининг қарорлари қуйи ташкилотлар учун мажбурийдир. Қуйи ташкилотлар бу қарорларнинг амал қилишини тўхтатмай, юқори партия идораларига мурожаат этиб, улар хусусида баҳс юритишлари мумкин.

14. Партиянинг сайлаб қўйилган раҳбар органлари ўзларига бўйсунадиган иш аппаратини тузадилар, бу аппарат асосан таҳлил, прогноз-социология ва маслаҳат тарзида уларнинг фаолиятига хизмат қилади. Партия аппарати сайлаб қўйилган орган томонидан бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама қилинган тавсиялар асосида тузилади. Партия аппаратининг ходимларига меҳнат қонунлари жорий этилади.

15. Бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетлари партиянинг кадрлар сиёсатини амалга ошириб, коммунистларни ва партиясизларни давлат, хўжалик, жамоат фаолиятининг аниқ соҳаларига тавсия этадилар. Улар сиёсий усуллар билан иш кўриб, ўзлари тавсия этган кишиларнинг тегишли лавозимларга сайланишига ёки тайинланишига ҳаракат қиладилар, уларни қўллаб-қувватлайдилар, коммунистларнинг иши ҳақидаги ҳисоботларини тинглайдилар, шу аснода чиқарилган хулосалар ва берилган тавсияларни ошкор этадилар.

16. Партия ташкилотлари давлат қонунларига биноан ўз маблағларига ёки бошқа ташкилотлар билан биргаликда газета ва журналлар, бюллетенлар, ташвиқот, маълумот-ахборот материаллари ва бошқа материалларни нашр этиш, тегишли редакцияларни ташкил этиш, шунингдек телевидение ва радиоэшиттириш студияларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Партиянинг оммавий ахборот воситалари партия комитетларининг раҳбарлигида ишлайдилар, партия комитетлари оммавий ахборот воситаларининг раҳбарларини тасдиқлайдилар. «Правда» газетасининг бош муҳаррири КПСС Марказий Комитетининг Пленумида тасдиқланади.

III.

ПАРТИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

17. КПСС ишлаб чиқариш ва территориал белгиларга қараб демократик марказчилик қоидаси асосига қурилади ва бошланғич, район, шаҳар, округ, область, ўлка партия ташкилотларидан, Иттифоқдош республикаларнинг Компартияларидан иборат қилиб тузилади. Муайян территория коммунистларини бирлаштирувчи партия ташкилоти унинг таркибига кирувчи ташкилотларга нисбатан юқори ташкилот ҳисобланади.

Зарур ҳолларда партия ташкилотлари секретарларининг кенгашлари, партия клублари, назарий семинарлар, мунозара марказлари ва партиявий ишнинг бошқа шакллари вужудга келтирилиши ва ишлаши мумкин, улар коммунистларни муайян соҳалар ва муаммолар бўйича бирлаштиради. Улар КПССнинг программавий йўл-йўриқларига асосланиб турли масалаларни муҳокама қилади, шу масалалар юзасидан ўз позицияларини ишлаб чиқади, ҳар қандай даражадаги партия комитетларининг муҳокамасига таклифлар ва лойиҳалар киритади.

КПССда партия программавий мақсадларига мос келмайдиган ўзининг ички ташкилоти ва интизомига, ғоявий йўл-йўриқларига эга бўлган фракциялар тузилишига йўл қўйилмайди.

ПАРТИЯНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ

18. Бошланғич ташкилотлар партиянинг негизидир. Улар партия аъзолари ишлайдиган ёки яшайдиган жойда КПССнинг камида 3 аъзоси бўлган тақдирда тузилади.

Бошланғич партия ташкилоти ўз таркибида партия группалари ва цех ташкилотларини тузиши мумкин. Цех ташкилотларига аъзоларининг сонига қараб район, шаҳар партия комитетининг рухсати билан, КПССга аъзолик билан боғлиқ масалалар юзасидан бошланғич ташкилотлар ҳуқуқи берилади.

Ўз вазифаларини ва ўз фаолияти шароитларини эътиборга олиб, бошланғич партия ташкилотлари партияга қабул қилиш ва КПССга аъзоликни тўхтатиш, ўз тузилишини, иш йўналишлари ва усулларини, йиғилишлар ўтказиш даврийлиги ва тартибини, сиёсий тадбирларни, молиявий фаолиятни белгилаш масалаларини мустақил ҳал қиладилар, совет ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларни йўлга қўядилар.

Бошланғич партия ташкилотлари партия ғояларини, унинг қарорларини тарғиб қиладилар ва турмушга тадбиқ этадилар, ижтимоий адолат қоидасини қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар, меҳнат коллективларида ва истиқомат жойларида сиёсий ҳамда ташкилотчилик ишини олиб борадилар, ўзини ўзи бошқаришнинг демократик воситаси орқали кадрларнинг фаолиятига, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир ўтказадилар.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳар қандай партия органининг қарорига ўз муносабатини билдириш ҳуқуқига эгадирлар, партия органи бу муносабатга моҳият эътибори билан жавоб қайтариши шарт.

19. Умумий йиғилиш (конференция) бошланғич партия ташкилотининг олий органидир, у, башарти КПСС аъзоларининг (делегатларнинг) ярмидан кўпроғи, ҳисобот ва сайловда эса камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Кундалик ишни юритиш учун йиғилиш (конференция) икки-уч йил муддатга ижроия орган —партия бюроси (комитети)ни ва унинг секретарини сайлайди. Коммунистлар 15 нафардан кам бўлган партия ташкилотларида йиғилиш белгилаб қўйган муддатда ва тартибда партия ташкилотининг секретари ва унинг ўринбосари, партия группаларида — партия группаси ташкилотчиси сайланади.

Бошланғич партия ташкилотининг секретари меҳнат коллективидаги ва унинг ташқарисидаги маъмурият, ўзини ўзи бошқарадиган органлар, жамоат ташкилотлари билан муносабатларда бошланғич партия ташкилоти номидан вакиллик қилади. Секретарни коллективдан ишдан бўшатиш тўғрисидаги масала партия йиғилишида (конференция)да кўриб чиқилиши лозим.

20. Бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини, жумладан маош олиб ишлайдиган ходимларни пул билан таъминлаш учун аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг 50 фоизигача бўлган қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

ПАРТИЯНИНГ РАЙОН, ШАҲАР, ОКРУГ, ОБЛАСТЬ ВА ЎЛКА ТАШКИЛОТЛАРИ

21. Бошланғич партия ташкилотларини бевосита бирлаштирадиган район ва шаҳар партия ташкилотлари партиянинг таянч тузилма бўғинидир. Йирик шаҳарлардаги район ташкилотлари шаҳар партия ташкилотларига бирлашишлари мумкин.

Конференция район, шаҳар партия ташкилотининг олий органидир. Конференция беш йил муддатга район, шаҳар партия комитетини, шунингдек назорат-тафтиш комиссиясини сайлайди. Партия комитетининг қарорига биноан ёки коммунистларнинг камида учдан бир қисмини бирлаштирадиган бошланғич ташкилотларнинг талабига мувофиқ навбатдан ташқари партия конференцияси чақирилади.

Район, шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг фикрларини эътиборга олиб, район, шаҳар комитетининг бюросини, секретарларини сайлайди, ўз аппаратини, моддий-молиявий базасини вужудга келтиради. Район, шаҳар комитети бошланғич партия ташкилотларини рўйхатга олади, уларга зарур ёрдам беради, коммунистларни ҳисобга олиб боради.

Район, шаҳар партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб ва йўналтириб турадилар, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга кўмаклашадилар, ўлар билан биргаликда партия сиёсати ва қарорларини тушунтирадилар, меҳнат коллективларида ва гражданларнинг истиқомат жойларида бу қарорларни амалга ошириш ишини ташкил этадилар, аниқ ижтимоий-иқтисодий, маданий муаммоларни ва бошқа муаммоларни жамоатчилик муҳокамасига қўядилар, уларнинг ҳал қилинишига кўмаклашадилар.

22. Ўлка, область, округ партия ташкилотлари партия сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашадилар ҳамда ўлка, область, округ доирасида бу сиёсатни амалга ошириш ишларини ўтказадилар, юқори партия органларининг қарорлари ижросини уюштирадилар.

Партия конференцияси ўлка, область, округ партия ташкилотининг олий органидир. Конференция ўлка, область, округ партия комитетини, шунингдек назорат-тафтиш комиссиясини беш йил муддатга сайлайди. Навбатдан ташқари конференциялар тегишли комитетнинг қарорига мувофиқ ёки муайян ташкилот аъзолари умумий сонининг учдан бир қисми талабига биноан чақирилади.

Конференциялар, шунингдек партия комитетларининг заруратга қараб, лекин йилига кам деганда икки марта чақириладиган пленумлари региондаги сиёсий, миллий, ижтимоий, иқтисодий, экологик, маданий-маънавий муаммоларни ҳал этиш программаларини ишлаб чиқади ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва аҳолига тақдим қилади. Уларда партия ички турмуши масалалари, кадрларга доир ишлар, партия ташкилотининг бюджети, ноширлик фаолияти масалалари кўриб чиқилади.

Ўлка, область, партия комитетлари ўз ташкилоти тузилиши масалаларини, шу жумладан район, шаҳар партия комитетларини ташкил этиш масалаларини мустақил ҳал қиладилар, энг катта бошланғич партия ташкилотларига КПСС аъзоларини ҳисобга олиш масалаларида район партия комитети ҳуқуқини берадилар.

Ўлка, область ва округ партия комитетларининг бюролари, секретарлари тегишли пленумларда сайланади.

23. Район, шаҳар, округ, область ва ўлка партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссиялари ўз бюросини, камида беш йиллик партия стажига эга бўлган комиссия раисини сайлайдилар. Назорат-тафтиш комиссиялари партия интизомини мустаҳкамлаш, коммунистларнинг партиявий ахлоқ-одоб нормаларига риоя қилишлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қиладилар, партия аъзоларининг шикоят, аризаларини кўриб чиқадилар, партия бюджети ижросини назорат қиладилар. Назорат-тафтиш комиссияси район, шаҳар, округ, область ва ўлка партия конференцияси томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ишлайди.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ КОММУНИСТИК ПАРТИЯЛАРИ

24. Иттифоқдош республикаларнинг Коммунистик партиялари КПСС Программаси ва Устави доирасида мустақилдирлар. Улар ўз программавий ва норматив ҳужжатларини ишлаб чиқадилар, ана шу ҳужжатларга мувофиқ равишда ташкилий, кадрларга доир, ноширлик ва молия-хўжалик масалаларини ҳал қиладилар, республикаларнинг давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти соҳасидаги сиёсий йўлни ўтказадилар, гражданларни сиёсий жиҳатдан бирлаштириш, миллий ва байналмилал манфаатларни бирга қўшиб олиб бориш учун курашадилар, байналмилал онгни тарбиялайдилар. Иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари бошқа партиялар, шу жумладан чет эл партиялари ва жамоат ҳаракатлари билан алоқа боғлайдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиуми ва комиссияларининг Иттифоқдош республикалар Компартияларига таллуқли принципиал қарорлари уларнинг мухтор вакиллари иштирокида кўриб чиқилади. Қабул қилинган қарорга қўшилмаган тақдирда Иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитети баҳсли масалаларни муҳокама қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг Пленумини чақиришни талаб қилишга ҳақлидир.

25. Иттифоқдош республика Коммунистик партиясининг съезди унинг олий органидир. Навбатдаги съезд камида ҳар беш йилда бир марта чақирилади. Съезд сиёсий йўлни белгилаб беради, Марказий Комитетнинг, назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини муҳокама қилади, ана шу органларнинг янги таркибини сайлайди, назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, шунингдек КПСС олий органлари таркибига республика Компартиясидан номзодларни тавсия қилади. Съездлар оралиғидаги даврда республика партия конференциялари чақирилиши мумкин.

СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДАГИ КПСС ТАШКИЛОТЛАРИ

26. СССР Қуролли Кучларидаги партия ташкилотларининг фаолияти КПСС Устави ҳамда КПСС Марказий Комитети томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар асосида қурилади.

СССР Қуролли Кучларидаги партиявий ишга раҳбарлик партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари орқали амалга оширилади. Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари вазифаларни ҳарбий кенгашлар, командирлар ва сиёсий органлар билан мустаҳкам ҳамкорликда ҳал қиладилар. Улар ҳарбий коллективларнинг турмуши ва фаолиятига ўз таъсирларини армия сафларидаги коммунистлар орқали ўтказадилар. СССР Қуролли Кучларидаги партия олий органи КПСС Марказий Комитетининг комиссияси ҳуқуқида иш олиб боради.

Қуролли Кучлар сафларидаги коммунистлар территориал партия ташкилотларининг раҳбар органлари таркибига сайлашлари ва сайланишлари мумкин. Район, шаҳар, округ, область, ўлка партия конференцияларига, Иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларига делегатлар тегишли партия комитетлари томонидан белгилаб бериладиган вакиллик нормаларига мувофиқ ҳарбий қисмлар ва қўшилмаларнинг партия конференцияларида сайланади.

КПСС съездига ва Бутуниттифоқ партия конференциясига армия ва флот партия ташкилотларидан делегатлар ҳарбий округлар, қўшинлар группалари, флотлар, қўшилмалар, Қуролли Кучларнинг турлари партия конференцияларида сайланади.

ИЗОҲ: Давлат хавфсизлиги комитети қўшинларида, ички ва темир йўл қўшинларида партиявий иш Қуролли Кучлардаги каби уюштирилади.

IV.

КПССнинг ЮҚОРИ ОРГАНЛАРИ

27. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг съезди унинг олий органидир. Навбатдаги съездлар КПСС Марказий Комитети томонидан камида ҳар беш йилда бир марта чақирилади. Марказий Комитетнинг съезд чақириш тўғрисидаги қарори, кун тартиби ва вакиллик нормаси съездга камида уч ой қолганда эълон қилинади. Марказий Комитет съезд муҳокамасига қўйиладиган асосий масалаларга доир тезисларни матбуотда эълон қилади.

КПССнинг навбатдан ташқари съезди Марказий Комитет томонидан ўз ташаббуси билан ёки коммунистлар умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади. Съезд икки ой муддат ичида чақирилади ва барча партия аъзоларининг камида ярми вакил юборган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

Марказий Комитет навбатдан ташқари съездни чақирмаган тақдирда уни ўтказишни талаб қилган ташкилотлар навбатдан ташқари съездни чақириш юзасидан партия Марказий Комитети ҳуқуқларига эга бўладиган ташкилий комитетни тузишлари мумкин.

28. КПСС съезди:

— Марказий Комитетнинг ва Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини тинглайди, бу ҳисоботлар юзасидан қарорлар қабул қилади;

— партия Программаси ва Уставини қабул қилади, уларни қайта кўриб чиқади ва ўзгартиради;

— партия қурилиши, мафкуравий фаолият, КПССнинг ички ва ташқи сиёсати соҳасида партия йўлини белгилаб беради;

— КПСС Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди ва айни пайтда уларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига сайлайди;

— КПСС Марказий Комитетини ва Марказий назорат-тафтиш комиссиясини сайлайди.

29. КПСС Марказий Комитети съездлар оралиғидаги даврда заруратга қараб, партия сиёсати ва амалий фаолиятининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун КПСС Бутуниттифоқ конференциясини чақиради.

Конференция КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг иши ҳақидаги ҳисоботларини тинглашга, уларнинг таркибини қисман (съездлар оралиғидаги даврда учдан бир қисмигача) қайта сайлашга, КПСС Программаси ҳужжатлари доирасида партия учун мажбурий бўлган бошқа қарорларни қабул қилишга, партия Уставига ўзгартишлар киритишга ҳақлидир.

Бутуниттифоқ партия конференциясига делегатлар КПСС съездига белгиланган тартибда сайланади.

30. Съездлар оралиғидаги даврда партия фаолиятига КПСС Марказий Комитети раҳбарлик қилади.

КПСС Марказий Комитети:

— КПСС съездлари ва конференцияларининг қарорлари амалда бажарилишини ташкил этади;

— ички ва ташқи сиёсат мазмунига доир таклифларни ишлаб чиқиб, уларни СССР халқ депутатлари Съездларига ва СССР Олий Советига тақдим этади;

— КПССнинг кадрларга доир сиёсатини амалга оширади;

— партия муассасаларини, корхоналарини тузади ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб боради;

— бошқа партиялар билан алоқаларда КПСС номидан вакиллик қилади.

31. Марказий Комитет Пленумлар оралиғидаги даврда сиёсий ва ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун ўз таркибидан КПСС Марказий Комитети Президиумини сайлайди. Президиумнинг неча кишидан иборат бўлишини КПСС съезди тасдиқлайди. КПСС Раиси ва унинг ўринбосарлари, Иттифоқдош республикалар Компартияларининг раҳбарлари ҳам лавозимларига кўра Марказий Комитет Президиумига кирадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Президиуми қарорларни ижро этиш учун ўз номидан партия ташкилотларига юборади. Президиум энг муҳим сиёсий масалаларга доир қарорларни тасдиқлаш учун КПСС Марказий Комитети Пленумига ҳавола қилади.

Марказий Комитет Президиуми КПСС Марказий Комитети Пленумига ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили ҳисобот тақдим этади.

КПСС Марказий Комитетида унинг фаолияти асосий йўналишлари юзасидан доимий комиссиялар тузилади. Улар КПСС Марказий Комитети Пленумида Марказий Комитет аъзоларидан, шунингдек маслаҳатчи сифатида тасдиқланадиган бошқа коммунистлардан тузилади. Комиссияларга КПСС Марказий Комитети Пленуми томонидан сайланадиган КПСС Марказий Комитети секретарлари бошчилик қиладилар, бу комиссиялар ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар. КПСС Марказий Комитетида ва унинг комиссияларида доимий асосда ишловчи коммунистлар партия маблағидан маош оладилар.

Комиссияларнинг раҳбарларидан КПСС Марказий Комитетининг Секретариати тузилади. У Марказий Комитет комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради, партияда Марказий Комитет, унинг Президиуми ва комиссиялари қарорларнинг ижросини ташкил этади. Марказий Комитет аппарати ишига раҳбарлик қилади.

Марказий Комитет Пленумлари оралиғидаги даврда унинг органлари ишига КПСС Раиси ва Раис ўринбосарлари раҳбарлик қиладилар.

32. КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси ўз пленумида бюрони ва унинг камида ўн йиллик партия стажига эга бўлган ҳамраисларини сайлайди.

Марказий назорат-тафтиш комиссияси КПСС съезди тасдиқлайдиган низомга амал қилиб, партияда КПССнинг Программавий ҳужжатлари ва Устави, партия съезди ва конференцияларининг қарорлари бажарилишини назорат қилади; партия интизоми аҳволини, партия ички турмуши қоидаларига ва партиявий ахлоқ-одобга риоя этилишини назорат қилади; КПСС бюджети ижросини ҳамда КПСС Марказий Комитети ва унинг муассасалари, корхоналари, нашриётлари молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади; партия сафидан чиқариш масалаларига доир шикоят аризаларини кўриб чиқади.

33. КПСС Марказий Комитети ва КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси йилига камида икки марта ялпи мажлис, зарур ҳолларда эса қўшма мажлислар ўтказадилар.

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси пленумларининг ишида, Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари эса КПСС Марказий Комитети Пленумлари ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашишлари мумкин.

КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссиясига сайланган коммунистлар партиянинг сайлаб қўйиладиган бошқа марказий органлари таркибига киритилиши мумкин эмас.

V.

СОВЕТЛАРДАГИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАРИДАГИ КОММУНИСТЛАР

34. КПСС, унинг барча ташкилотлари СССР Конституцияси ва совет қонунлари доирасида иш олиб боради. Партия ташкилотлари ва комитетлари ўз вазифаларининг давлат ва хўжалик идоралари вазифалари билан аралаштириб юборилишига йўл қўймайдилар, партиянинг сиёсий йўлини уларда ишлаётган коммунистлар орқали ўтказадилар.

Партия демократия ва ижтимоий адолат мавқеида турган барча жамоат кучлари билан ҳамкорлик қилади, социализмга ва Советларга зид миллатчи кучларга қарши курашади. У касаба союзлари, ёшлар, бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва оммавий ҳаракатлар билан ўз муносабатларини сиёсий ҳамкорлик ва шериклик, бошқача фикр-мулоҳазаларни ҳурмат қилиш принциплари асосига қуради..

35. Бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар каби КПСС ҳам эркин сайловларда ҳамда совет гражданларининг ўз иродасини баён қилишнинг бошқа шакллари орқали жамиятда сиёсий етакчилик учун курашаверади. Партия ташкилотлари ўз сайловолди ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиб, эълон қиладилар. Халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш учун коммунистларни тавсия этадилар, уларга сайлов кампаниясини ташкил этишда ёрдам берадилар.

Партия ташкилотлари Конституция негизида ва унга мувофиқ равишда ҳаракат қилувчи бошқа жамоат ташкилотлари ва тузилмалари билан сайловолди битими тузиши, депутатликка улар кўрсатган КПСС аъзолари бўлмаган номзодларни қўллаб-қувватлаши мумкин.

Халқ депутатларининг Съездларида ва Советларининг сессияларида, коммунистлар бўлган жамоат ва кооператив ташкилотлари томонидан чақириладиган съездлар ва конференцияларда коммунистлар ўз фаолиятини мувофиқлаштириш ва партия таъсирини кучайтириш учун партия группаларига уюшадилар. Партия группалари совет қонунларига, тегишли партия комитетларининг қарорларига амал қиладилар.

36. Партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари ёшлар билан ишлашда ВЛКСМга ҳамда социалистик йўлни қўллаб-қувватловчи бошқа ёшлар ташкилотларига таянадилар, уларнинг ёшларни тарбиялаш соҳасидаги фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашадилар, уларни КПССнинг ёшларга доир сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб этадилар. Партия ва комсомол ташкилотларининг ўзаро муносабатлари ғоявий бирликка, ёшларнинг коммунистик иттифоқи ташкилий жиҳатдан мустақиллигини тан олишга, ўзаро ҳурмат ва ўртоқларча ишончга асосланади. Партия ВЛКСМни ўз сафларини тўлдириш учун энг яқин резерв деб ҳисоблайди.

VI.

ПАРТИЯНИНГ МУЛКИ ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ

37. КПСС ва унинг ташкилотлари фаолияти партия даромадлари ҳисобидан молиявий ва моддий-техникавий ресурслар билан таъминланади.

Партиянинг мулки ва пул маблағлари умумпартия бойлигидир. Иморатлар ва иншоотлар, партия нашриётлари уларнинг таркибидаги даврий нашрлар, босмахоналар, корхоналар мулки ва бошқа ўзга мулк билан биргаликда, шунингдек аъзолик бадалларидан, партия корхоналари даромадларидан ва бошқа тушумлардан таркиб топган пул маблағлари КПСС мулкчилик ҳуқуқининг объектларидир.

Партия бюджети, маҳаллий партия ташкилотларидан ажратмаларнинг нормативлари ҳамда маблағларни қайта тақсимлаш тартиби КПСС Марказий Комитети Пленумида тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади.

Партия аъзолари учун ҳар ойда тўланадиган аъзолик бадаллари қуйидаги миқдорда белгиланади:

Даромади 70 сўмгача бўлганда — 10 тийин
71 сўмдан — 100 сўмгача — 20 тийин
101 сўмдан — 150 сўмгача — 30 тийин
151 сўмдан — 200 сўмгача — 1 фоиз
201 сўмдан — 250 сўмгача — 1,5 фоиз
251 сўмдан — 300 сўмгача — 2 фоиз
301 сўмдан — 350 сўмгача — 2,5 фоиз
350 сўмдан ошганда —3 фоиз

Ишлаётган коммунист пенсионерлар партия аъзолик бадалларини пенсиядан ва иш ҳақидан алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

38. Иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари, ўлка ва область партия ташкилотлари ўз бюджетини мустақил тасарруф этадилар, даромадларнинг ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишга имкон берадиган даражада кўпайишга интиладилар, структура-штат ва молия масалаларини ҳал қиладилар, партия корхоналари ва муассасаларининг сиёсий иш манфаатларига ва совет қонунларига зид бўлмаган фойда келтирувчи хўжалик ва тижорат фаолияти рағбатлантирилади.

Маҳаллий партия ва назорат-тафтиш органлари коммунистларни партия бюджетининг аҳволи ва маблағларнинг сарфланиши тўғрисида мунтазам хабардор қилиб борадилар.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз

ИШЧИ СЎЗИ — ҚАТЪИЙ СЎЗ

Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида 46 миллатга мансуб 6,5 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Шулардан 660 нафари коммунистлардир. Айни кунларда коллектив меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг февраль ва март Пленумлари материалларини, Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қилиб, фикр-мулоҳазалар билдиришмоқда. Мухбиримиз ана шу заводда бўлиб, ишчилар билан суҳбатлашди.

ИМТИЁЗЛАР КЕРАКМИ?

Михаил ЕГОРОВ, техник назорат бўлими назоратчиси:

— Мен 40 йиллик партия стажига эга бўлган коммунист ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси сифатида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, февраль Пленуми материаллари ва унда маъқулланган Ҳаракат дастури лойиҳаси, март Пленуми ҳужжатлари — партия, социалистик жамият ва унинг турмуш тарзи ҳақидаги ҳақиқий ленинча принципларни тиклаш сари қўйилган қутлуғ қадамдир. Мени кўпдан бери раҳбарлик лавозимидаги коммунистларнинг турли имтиёзларга эга эканликлари қаттиқ ташвишлантириб келарди. Ветеран коммунист сифатида бундан бир неча йил муқаддам турмуш ўртоғим билан Сочидаги «Ўзбекистон» санаторийсида дам олганимда, у ерда раҳбарлар учун яратилган шароитларни кўриб, ғоятда ҳайратланган эдим. Ахир оддий коммунистдан, оддий халқдан ажралиб қолган раҳбар уларнинг дардини, ташвишини қаердан билсин? Ваҳолонки, **партиямиз асосчиси В. И. Ленин ҳам ҳеч қандай имтиёзларга эга эмасди. Аксинча, унга айрича шароит, имтиёзлар яратмоқчи бўлганларни жазоларди.**

Шу боисдан ҳам мен Ҳаракат дастури лойиҳасидаги: «КПСС ҳар қандай ғайриқонуний афзалликлар ва имтиёзларга қаршидир, бу ишда тўла ошкоралик тарафдоридир», деган сатрларни мамнуният билан ўқидим. Буни тўла маъқуллайман.

Шунингдек, ҳамонки, партия органларида туб ўзгаришлар бўлаётган экан, **мен корхона ва ташкилотлар партия комитетларида жамоатчилик асосларида иш юритишни кучайтиришни таклиф этаман. Мамлакат, партия бундан фақат ютади.** Шахсан ўзим эса қариб 30 йиллик пропагандистлик тажрибамни ишга солиб, сиёсий ўқиш машғулотларида Ҳаракат дастури лойиҳасини тушунтириш ва муҳокама қилиш ишларини олиб боряпман.

ТАСАВВУРЛАР ЎЗГАРЯПТИ

Малик ИБРОҲИМОВ, 27-асбобсозлик цехи чархловчиси:

— Пропагандистимиз М. Егоровнинг сиёсий ўқишда Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокамасини ташкил этганлигини жуда маъқуллайман. **Мен ҳам дастурни диққат билан ўқиб чиқдиму, лекин уни шууримга тўла сингдира олмаяпман. Чунки бир ўқишдаёқ мағзини тўла чақиб бўлмайдиган, айрим жойларида умумий гаплар, ҳатто мавҳумлик бор. Шу боис ҳам дастурни сиёсий ўқишларда алоҳида мавзу қилиб белгилаб, чуқур ўрганиш, муҳокама қилиш керак.** Партия ҳақидаги аввалги тушунчалар кўпчилигимизнинг онгимизга сингиб кетган эди. Биз ўз вақтида ҳозирги тушунчаларни ҳатто тасаввур ҳам қилолмасдик. Февраль ва март Пленумлари материалларидан, Ҳаракат дастури лойиҳасидан тушунишимча, биз 1917 йил Октябрида танлаган йўлимизга содиқ қолган ҳолда, энди социалистик ғояларни қуруқ, жўн тушунишлардан воз кечиб, одамларнинг манфаатлари сари бурилямиз ва ҳаётга социал адолат принципларини қадамба-қадам жорий этиш тўғрисида қайғуряпмиз. **Ниҳоят, инсон — партия сиёсатининг марказига чиққанлиги биз, ишчиларни қувонтиради.**

Мен пенсияга чиққанимга тўрт йил бўлсада, заводда қолиб ишлаяпман. Корхонамиз, цехимиз, бригадамиз кейинги йилларда планларини ошириб бажаряпти. Биз — ишчилар қайта қуришга қуруқ сўз билан эмас, балки ўз амалий ишимиз билан ҳисса қўшишга одатланганмиз. Шунинг учун партия, жамият турмушидаги ўзгаришлардан ҳам тезроқ самара кўринишини хоҳлаймиз. Бунинг учун қайта қуришни янада қатъийроқ, изчилроқ олиб бориш керак, деб ўйлайман.

ОШКОРАЛИК КУЧАЙСА

Раҳматилла ТУРАЕВ, 15-механика-йиғув цехининг автоматлаштирилган дастгоҳ созловчиси:

— Назаримда, партия ҳаётидаги бундай жуда муҳим Пленумларга партия юқори органларининг эскича услубларда бошқара олмай қолганликларигина эмас, балки қуйидагиларнинг эскича ишлашни хоҳламай қолганликлари натижасида ҳам етиб келдик. Партия раҳбарияти бироз кечроқ бўлсада, энг оддий коммунистлар, қолаверса, бутун халқнинг, аввало партиянинг ўз турмушида туб ўзгаришлар қилиш лозимлиги тўғрисидаги фикрларига қулоқ сола бошлади. Мен шу йил 18—19 январь кунлари КПСС Марказий Комитетида ишчи, деҳқон ва инженер-техник ходимлар билан ўтказилган кенгашда қатнашиб қайтганимдан сўнг ана шундай хулосага келдим. Мазкур кенгашда оддий ишчи-деҳқон коммунистлар XXVIII съездга тайёргарлик, партиянинг янги Устави лойиҳаси, съезд ва конференцияларга делегатлар сайлаш тартиби, партия ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш муддати ва тартиби ҳақида қаттиқ танқидий фикр-мулоҳазаларни очиқ-ошкора билдирдилар. Айни вақтда **улар КПСС ишчилар партияси эканлигини, Конституцияда унинг авангардлик роли қонунлаштириб қўйилмаган тақдирда ҳам янгиланаётган жамиятда партиянинг тенг сиёсий курашда амалдаги раҳбарлик мавқеи учун қаттиқ кураш олиб боришларини таъкидладилар.** Зеро, ишчи сўзи қатъий сўздир.

Февраль Пленумида маъқулланган Ҳаракат дастури лойиҳаси ҳам, менинг фикримча, аввало оддий ишчи-деҳқон коммунистларнинг амалий фикр-мулоҳазалари билан бойитилиши керак, деб ўйлайман. Шахсан менга лойиҳада партия мамлакатда ошкораликни қарор топтириш йўлида бундан буён ҳам барча ишларни қилавериши ҳақидаги фикрлар жуда маъқул бўлди. Менимча, дастурнинг ана шу сатрларини: **«Партия бундан буён ўз Пленум, конференция ва съездларини тўла ошкоралик шароитида ўтказади, улар ҳақидаги стенограммаларни матбуотда эълон қилиб боради»,** деган жумлалар билан тўлдириш керак. Зеро, бу лавозимидан қатъи назар ҳар бир коммунистнинг халқ олдидаги масъулиятини янада оширган бўлур эди.

ТЎЛА АХБОРОТГА ЭГА БЎЛДИК

Шавкат ФАЙЗУЛЛАЕВ, завод партия комитетининг секретари:

— Ёш, фаол коммунистимиз Раҳматулла Тўраевнинг сўзларини маъқуллаб, шуни айтмоқчиманки, **айнан ана шу февраль ва март Пленумлари ҳақида биз илк бор тўла ахборотга эга бўлдик.** Бу эса фақат Пленумлар қатнашчиларида эмас, балки ҳар бир коммунистда ва партиясизда етарли даражада тасаввур ҳосил қилади ҳамда муҳокама этилаётган ҳар бир масалага уларнинг ҳам муносабатини, нуқтаи назарини билиш имконини беради. Бу жуда катта гап. Дарвоқе, **бу сафарги Пленумларда кўплаб бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ҳам иштирок этганлиги, ҳатто улар редакцион комиссияларга жалб қилиниб, овоз беришларда ҳам қатнашганлигини эшитиб, шахсан мен партком секретари сифатида мамнун бўлдим. Зотан, энг қуйи бўғиннинг сиёсий етакчилари партиянинг асоси бўлган бошланғич ташкилотлар, улардаги коммунистларнинг умумий фикрини юқорига бевосита ва тўлароқ етказиш имконига эга бўладилар. Бу тартибни изчил давом эттириш ва янада ривожлантириш керак, деб ҳисоблайман.**

Ҳозир заводимиздаги цех партия ташкилотларида февраль, март Пленумлари материаллари ва Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қилиш юзасидан очиқ партия йиғилишлари, шунингдек, партком аъзолари иштирокида алоҳида суҳбатлар, сиёсий ўқиш машғулотларида эса ўзаро фикр алмашув, мунозаралар бўлиб ўтяпти. Ана шундай муҳокама чоғида билдирилаётган таклиф ва мулоҳазаларни зудлик билан район партия комитетига етказяпмиз. Зеро, партиянинг бу муҳим ҳужжати коммунистларгина эмас, балки имкони борича кўпроқ партиясизлар оммаси, бутун халқнинг фикрлари билан бойитилган тақдирдагина, у мукаммаллашади ва белгиланган режаларни амалга ошириш мумкин бўлади.

О. НАЗАРОВ, «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

КЎКЛАМНИНГ ҲАР БИР ДАҚИҚАСИ ҒАНИМАТ!

XII БЕШ ЙИЛЛИК

◆ Ўлкамизга ажиб баҳор кириб келмоқда. Шу туфайли бизнинг ремонтчилар ишлаб чиқариш корхонамизда ҳам ишлар қизғин.

Айни деҳқонга ёрдам берадиган пайтимиз: эрта-индин бободеҳқон ерга уруғ қадайди.

Аслида биз қишлоқ меҳнатчиларининг трактор ва экиш сеялкаларини ремонтдан чиқариб берамиз. Бундан ташқари, хўжаликдан қандай буюртма тушса, ўшани дарҳол бажарамиз. Ишимиздан деҳқон хурсанд бўлса, бошимиз осмонга етади. Чунки, уларнинг берган баҳоси биз учун қадрли. Бинобарин, юкланган ишни ўринлатиб бажариш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Коллективимиз ўтган хўжалик йилида 405 минг сўмлик ремонт ишларини удаллади. Қишлоқ хўжалик машиналарига 135 минг сўмлик техника хизмати кўрсатдик. Бу борада чорвадорларга ҳам ёрдамимизни аямадик. Умуман, ремонт корхонамиз ишчилари райондаги деҳқончилик ва чорвачилик техникаларига пландаги 787 минг ўрнига 815 минг сўмлик хизмат кўрсатишди.

Бундай ютуқларни қўлга киритишимизда, биринчидан, барча ишларни ўзаро мусобақа асосида ташкил этганлигимиз, иккинчидан эса меҳнатнинг янги шаклларини қўллаётганлигимиз самара бермоқда.

Ремонтчиларимиз ҳозиргача «Москва» совхозига қарашли 20 та «Т-28» тракторини, «Ғалаба» совхозининг 30 та сеялкасини, «III Интернационал» совхозининг 12 та сеялкасини ва бошқа хўжаликлар техникаларини ремонт қилиб беришди. Бунда Тоштемир Сайриев, Ислом Шодиев, Азамат Раҳимов, Тошпўлат Бекматов, Баҳодир Худойбердиев, Собир Холиқов, Анатолий Путилов сингари ремонтчилар, слесарлар ва пайвандчиларнинг сифатли ишлари таҳсинга лойиқ бўлди. Улар корхонада ташкил этилган меҳнат беллашувида фаол қатнашиб, пешқадамлик қилишмоқда.

Ишчиларимизнинг бу йилги режалари ҳам салмоқли. Районимиз техника жилов-корларига пландаги 875 ўрнига 900 минг сўмлик турли техника хизматлари кўрсатишга аҳд қилишган. Ҳозир ана шу йўлда тинмай меҳнат қиляпмиз. Февраль-март ойлари топшириқларини уддалаб қўйдик.

Эндиликда корхона келажаги ҳақида ҳам ўйлаяпмиз. Куни кеча устахонамизни қайта капитал ремонт қилишга киришдик. Устахонани реконструкция қилишга бир миллион 250 минг сўмлик иш бажаришни мўлжаллаб турибмиз. Жорий йилда 150 минг сўмлик иш амалга оширилади. Капитал ремонт ишларини районимизда янги ташкил этилган механизациялашган кўчма колонна қурувчилари олиб боришади. Улар мазкур объектни 1992 йилда фойдаланишга топшириш кўзда тутишяпти.

Шу даврга ча бизда 150 ишчи ўрни бўлган бўлса, устахона қайта жиҳозлангандан кейин 450—500 ишчи меҳнат қиладиган бўлади. Қувончлиси шундаки, район аҳолисининг яна 350—400 кишиси иш билан таъминланади. Бунинг натижасида техника турларининг ҳаммаси устахонамизда ремонт қилинадиган бўлади. Бинобарин, бошқа район ёки областга олиб бориб ремонт қилдиришга ўрин қолмайди. Бундан ташқари район аҳолисига кўпгина тармоқлар бўйича пуллик хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилади. Хуллас, деҳқонга бундан кейин ҳам мададкор бўлаверамиз.

М. РАЖАБОВ, Қашқадарё областидаги Ульянов ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси директори.

МАДАДКОРМИЗ

ВАЪДАГА ВАФО

● Жиззах районидаги «Коммунизм» совхози чорвадорлари давлатга 77 тонна ўрнига 86 тонна гўшт топшириб, шу йилнинг биринчи квартали планини адо этдилар.

Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 381 килограммни, чўчқаларники эса 124 килограммни ташкил этди. Ушбу муваффақиятга эришишда тажрибали молбоқар Ҳайитбой Худойқулов, чўчқабоқар Виктор Будилов, Ҳусан Сандибоевларнинг алоҳида ҳиссалари бор. Айни кунларда чорвадорлар иккинчи квартал ҳисобига 20 тонна гўшт топшириш арафасида турибдилар.

М. АЛИҚУЛОВ.

ПУХТА ТАРАДДУД

● XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси номли колхознинг Бойтўра Кўмаков етакчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари баҳорги чигит экиш мавсумига пухта тараддуд кўрмоқдалар.

Бу йил бригада деҳқонлари 115 гектар майдонда ғўза ўстирадилар. Айни кунларда ҳосилдорлик гарови бўлган маҳаллий ўғит тўплаш ва уни дала бошига ташиб келтириш қизғин тус олди. Ички ариқ-зовурлар тартибга келтирилмоқда. Коллектив аъзоларидан Сафар Эркаев, Шавкат Бўронов, Ҳасан Жуманазаровлар дала ишларида пешқадам.

Р. МУҲАММАДИЕВА.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК — КОНИ ФОЙДА

● Хонқа районидаги «Хоразм» колхозида ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилиш ва уларнинг иш самарадорлигини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ўтган йили колхозда оҳак заводи қурилиб ишга туширилганди. Бу йил у тўла қувват билан ишлай бошлайди ва йилига 350 тонна оҳак ишлаб чиқарилади. Бу — хўжаликка 3500 сўм фойда келтиради.

Э. САФОЕВ.

МАККАЖЎХОРИ ЭКИЛМОҚДА

Айни кунларда республикамизнинг жанубий областларида эртаки экинлар экиш қизғин. Айниқса маккажўхори экиш яхши давом эттирилмоқда. Жарқўрғон районидаги Н. Боймуродов номли колхозда пахта майдонлари 20 процентга камайтирилганлиги озуқа экинлари, сабзавот ва мева етиштиришга имконият туғдирди. Хўжаликда бу йил 110 гектар майдонга маккажўхори экиш мўлжалланган. Бу ўтган йилгидан анча кўп. Механизаторлар шижоат билан далаларга отланишди. Маккажўхори уруғи экиш авжига чиқди.

Суратларда: 1. Экиш олдидан (чапдан ўнгга): механик Тоштемир Отақулов, колхоз раиси Алимқул Раҳимов, бош агроном Нурбой Маматов ва сеялкачи Ашур Азимов 2. Далаларда маккажўхори экиш қизғин.

И. ХУЖАЕВ суратлари (ЎзТАГ).

СССР Олий Советида

1990 йил 13 март куни Литва ССР Олий Совети шу республикадан сайланган СССР халқ депутатларини уларнинг ҳуқуқий мақомидан маҳрум этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Литва ССР Олий Советининг қарорида айтилишича, унинг гражданлари «Литва республикаси Олий Советининг махсус қарорисиз бошқа давлатларнинг, шу жумладан СССРнинг Олий органлари ишида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар».

Вужудга келган вазият, шунингдек депутатлардан тушган илтимослар муносабати билан СССР Олий Совети бу масалани 26 март куни ўз мажлисида кўриб чиқди. СССР Конституциясининг 106-моддаси ва «СССРда халқ депутатлари мақоми тўғрисида»ги СССР Қонунининг 2-моддасига мувофиқ СССР халқ депутатларининг ваколатлари Иттифоқ қонунлари билан белгилаб қўйилиши таъкидланди. Депутат уни сайлаган сайловчилар, жамоат ташкилоти чақириб олган тақдирда ёки СССР халқ депутатлари Съезднинг ёхуд СССР Олий Советининг қарори билан бу ваколатлар бекор қилиниши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, СССР Олий Совети Литва ССР Олий Советининг Литва ССРдан сайланган СССР халқ депутатларини уларнинг мақомидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарори қонуний кучга эга эмас, деб қарор қабул қилди.

Литва ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига ҳамда ССР Иттифоқининг тегишли идораларига СССР халқ депутатларининг СССР Конституцияси ва «СССРда халқ депутатлари мақоми тўғрисида»ги СССР Қонуни билан гарантияланган ҳуқуқларига Литва ССР территориясида амал қилинишини таъминлаш хусусида кўрсатмалар берилди.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒДАГИ ВАЗИЯТ

Степанакерт, 26 март. (ТАСС мухбири). Тоғли Қорабоғ автоном областидаги вазият яна беқарор бўлиш хавфи остида турибди. Тоғли Қорабоғ автоном области фавқулодда ҳолат районининг ва Озарбайжон ССРнинг у ерга яқин районлари комендатурасида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, бугун Тоғли Қорабоғ автоном областининг Мардакерт районидаги Дрмбон қишлоғи яқинида Озарбайжон миллатига мансуб кишилар тушиб, Мир-Баширдан Келбажарга кетаётган автобус ўққа тутилган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, бир йўловчи ҳалок бўлган, тўрт киши яраланган. Воқеа содир бўлган жойга етиб келган оператив группа бу ерда автомат қурол ва карабин ўқларининг гильзаларини топди. Милиция ходимлари ички қўшинлар бўлинмалари ёрдамида жиноятчиларни аниқлаш ва қўлга олиш юзасидан оператив-қидирув тадбирларини ўтказмоқдалар.

Ҳарбий комендатура сиёсий бўлимининг бошлиғи полковник П. Г. Богодуховнинг фикрича, бугун, автоном областидаги вазиятни янада нормаллаштириш учун шароит вужудга кела бошлаган бир пайтда экстремист кучлар фаолиятининг яна бошланиши ҳаққоний равишда норозиликка сабаб бўлмоқда. Улар ижобий силжишларга тўсқинлик қилибгина қолмай, Тоғли Қорабоғдаги вазиятни нормаллаштириш йўлидаги олға ҳаракатга ғов бўлмоқда, озарбайжон халқига ҳам, арман халқига ҳам зарар келтирмоқда.

ХАЙР ФЕСТИВАЛЬ!

Тошкент давлат дорилфунуни шарқ факультети талабалари Марина ва Яцек Залевскийларнинг орзуси ушалди: улар студент оилалари биринчи регионлараро конкурси ғолиби бўлдилар ва икки ҳафта давомида Венгрия, Югославия ва Италияга сафар қилишга йўлланма билан тақдирландилар. Бу конкурс Ўрта Осиё ва Қозоғистон дорилфунунларининг Ўзбекистон пойтахтида ўз ишини тугатган фестивали доирасида ўтказилди.

Тошкент, Ашхобод, Душанбе, Фрунзе, Нукус, Қарағанда, Самарқанд талабалари, шунингдек Вильнюс, Кишинев ҳамда мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган меҳмонлар бир ҳафта давомида фестивалнинг хилма-хил ва тиғиз программасида — қувноқлар ва зукколар конкурси ҳамда кичик университетда, ўқув жараёни, миллатлараро муносабатлар муаммоларига бағишланган илмий конференциялар ва мунозара клубларида, наврўз баҳор байрамида қатнашдилар. **(ЎзТАГ мухбири).**

Мусобақа кундалиги

ШАХТЁРЛАР — ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДА

● «Союзвольфрам» бирлашмасига қарашли Қўйтош конида Бозорбой Икромов бошлиқ бригада аъзолари биринчилардан бўлиб хўжалик ҳисобини ўз коллективларида жорий қилишганди.

Ўтган даврда янгича ишлаш ўз самарасини бера бошлади. Бригадада меҳнат унумдорлиги бир неча бор ортиб, шахтёрлар иш ҳақи кўпайди.

Айни кунларда Б. Икромов бошлиқ проходкачилар съездолди меҳнат беллашувида фаол қатнашишяпти. Улар ҳар сменада қариб 70 тоннага яқин маъдан қазиб чиқаришмоқда. Айниқса, маҳкамловчи Малик Умаров, портлатувчи Достон Исмоилов, компрессорчи Тиловолди Умаров сингари азаматлар смена нормаларини 1—1,5 баравар ошириб бажариб, мусобақада илғорлик қилишяпти.

К. МУСАМУРОДОВ. Жиззах области.

ҲАММАСИ АЪЛО НАВЛАРГА

● Андижон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бермоқда. Шу туфайли улар тайёрлаган пишиқ-пухта, бежирим оёқ кийимлари харидорларга манзур бўляпти.

Корхонада маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш борасида бригадаларо социалистик мусобақа ташкил этилган. Мазкур меҳнат беллашувида Тоҳиржон Каримов бошлиқ бригада аъзолари пешқадамлик қилишяпти. Улар хушбичим пойабзал тайёрлаб, ойлик топшириқларини барвақт уддалашмоқда. Бригада аҳли ўтган ойда пландаги 9000 ўринга 9900 жуфт этик тикди. Маҳсулотларининг ҳаммаси аъло навларга қабул қилинди.

Р. ИМИНОВ.

МАҲАЛЛА ЕТАКЧИЛАРИГА МАОШ БЕРИЛМОҚДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўтган йили сентябрь ойида қабул қилган «Халқ депутатлари шаҳар, шаҳарга бўйсунувчи районлар ижроия комитетлари маҳалла комитетларининг ролини ошириш ҳақида»ги қарорида маҳаллаком раислари ва котибларига маош тўлаш белгиланган эди. Газетамиз редакциясига келаётган кўплаб хатларда меҳнаткашлар ана шу маош тўлаш қандай тартибда, қай тариқа амалга оширилиши ҳақида сўраганлар. «Совет Ўзбекистони» мухбири шу муносабат билан республика Министрлар Советининг ташкилий — совет ишлари ва халқ хўжалигини территориал ривожлантириш бўлими мутахассиси И. М. КЛИБЛЕЕВдан қарорни шарҳлаб беришни сўради.

— Маълумки, республика партия ва ҳукумати кейинги вақтда маҳалла комитетларининг ролини оширишга эътиборни кучайтирди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ушбу қарори ана шу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Қарорда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижрокомига шу йил 1 январдан бошлаб маҳалла комитетлари раиси ва котиби штати жорий этиш, улар учун республика (автоном республика) ва маҳаллий бюджетдан маблағ сарфлашга рухсат этилди. Маҳаллаком раислари ва котиблари маоши фонди халқ хўжалиги планида кўзда тутилган.

Табийки, маош белгилашда маҳаллада истиқомат қилувчи кишиларнинг сони, маҳалланинг қаерда жойлашгани ҳам инобатга олинади. Олайлик, Тошкент шаҳридаги, область маркази бўлган шаҳарлардаги маҳаллаларда аҳоли сони 5 минг кишидан кўп бўлса, комитет раислари учун 170 сўм, котиблари учун эса 150 сўм маош белгиланган. Агар маҳаллада истиқомат қилувчилар уч минг кишидан беш минг кишигача бўлган тақдирда 150 ва 130 сўм, минг кишидан уч минг кишигача бўлса 130 ва 110 сўм маош оладилар. Минг кишигача аҳоли яшайдиган маҳаллаларда эса тегишли тартибда 120 ва 100 сўм маош белгиланди.

Областга бўйсунувчи шаҳарлардаги (область марказ бўлган шаҳарлардан ташқари) маҳалла комитетлари раислари ва котиблари 150 ва 130 сўмдан, (аҳолиси беш минг кишидан кўп бўлса) 110 ва 90 сўмгача (аҳолиси минг кишигача бўлса) маош олишлари керак. Шаҳарларга бўйсунувчи районлардаги маҳалла етакчилари учун маош бироз бошқачароқ белгиланган. Бу жойлардаги энг катта маҳаллаларда раис ва котиблар 130 ва 115 сўм маош олишлари лозим.

Айни вақтда шуни унутмаслик керакки, ўриндошлик йўли билан ишлаш ҳақидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ бир кишининг икки раҳбарлик лавозимини эгаллаши яъни, маҳалла комитети раиси ва котиби бўлишига рухсат этилмайди.

Албатта, шаҳарлар ва шаҳарларга бўйсунувчи районлардаги маҳалла етакчиларининг муайян қисми пенсионер отахон ва онахонлардир. Хўш, улар бу маошдан қандай манфаатдор бўладилар. Кўпчилик бу масалага қизиқиш билан қараётганлигини тушуниш мумкин. Маҳаллаком раиси ва котиби бўлган пенсионерлар бу лавозимлари учун белгиланган ҳақдан пенсия ҳақидаги қонунчиликда баён этилган тартибда манфаатдор бўладилар.

Шунингдек, халқ депутатлари шаҳар ва шаҳарларга бўйсунувчи район ижрокомларига шаҳар жойларда янги маҳаллалар ташкил этишда тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан маҳаллаком раиси ва котиби лавозимини жорий этиш ҳуқуқи берилди.

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ — ХАЛҚҚА

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатчилари доимий изланишда. Улар янгилик шайдолари. Шу туфайли ишлаб чиқаришда дадил одимлар ташланмоқда. Ўтган йилдан бошлаб корхона ишлаб чиқаришда ва ижодий изланишда мустақиллик ҳуқуқини қўлга киритди. Бу ерда эркаклар ва болалар, мактаб ўқувчиларининг кийимлари тикилади.

Мустақиллик йўлида илк қадам қўйилишидан аввал кийим-кечакларнинг ҳар бир модели республика Модалар уйида тасдиқдан ўтар эди. Ҳозир бу вазифани бирлашманинг тажриба цех ишчилари ҳамда мутахассисларнинг ижодий кенгаши аъзолари бажаришмоқда. Бу эса харидор талаб эҳтиёжларига қараб кийимкечак тикиш миқдорини зудлик билан ҳал қилиш имконини берди. Маблағ ҳам тежаб қолинаётир: тошкентлик усталар томонидан тайёрланган кийим модели учун илгари ўрта ҳисобда 250—300 сўм тўланар эди.

Бирлашмада ўтган йили 20 дан знёд турдаги кийим ва бошқа тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, ўн минг сўмга яқин пул тежаб қолинди. Айни чоғда темир йўл ишчи-хизматчиларининг кийимларини тикиш бўйича ҳам буюртма бажарилди. Ҳозир ўғил болалар учун шим тикиш йўлга қўйилди. Келаси йилдан бошлаб эса хотин-қизларнинг янги кўринишдаги кийимлари ҳам тикила бошланади.

Суратларда: 1. Тажриба цехи бош конструктор моделчиси Назира Пардаева (чапда) ва рассом моделчи Елена Пикалова ўзаро мулоқотда 2. Тажриба цехининг тикувчилик бўлимида.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар (ЎзТАГ).

АЛОҚАЧИЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Алоқа системаларининг самарадорлигини ва ташқи таъсирга бардошлилигини ошириш — Ўзбекистон пойтахтида очилган Бутуниттифоқ илмий-техника конференциясининг мавзуси ана шундай. Конференцияни А. С. Попов номли Бутуниттифоқ радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти, унинг республика бўлими ва Тошкент электротехника алоқа институти ташкил этдилар.

Москва, Тошкент, Новосибирск, Ленинград, Минск ва бошқа шаҳарларнинг олимлари ва мутахассислари секция мажлисларида докладлар қиладилар.

Конференция 29 мартгача давом этади.

(ЎзТАГ).

ХУШХАБАРЛАР.

● Сурхондарёдаги 1-область касалхонасида юз ўринли кундузги стационар очилди. Беморлар, асосан кўп болали оналар кундузи шифокорлар кузатувида даволанадилар, кечга бориб эса уйларига тарқаб кетадилар. Бир қанча район касалхоналарида ҳам ана шундай стационарлар очиш режалаштирилмоқда.

● 7-қурилиш трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннаси коллективига Улуғбек посёлкасида 280 ўринли янги болалар боғчаси бунёд этиш учун атиги икки ой етарли бўлди. Буюртмачи — Гулистон давлат наслчилик-паррандачилик репродукторининг дирекцияси қурувчилар икки сменада ташкил этилган ишни муттасил олиб бора олишлари учун зарур бўлган ҳамма нарсани қилди. Посёлка Совети ижроия комитети ҳам анча ёрдам берди. Натижада энди наслчилик репродуктори уйжой массивида 420 ўринли иккита типовой болалар боғчаси ишламоқда — посёлкада мактабгача тарбия муассасалари билан боғлиқ муаммо тўла ҳал этилди.

● Тошкентдаги «Оптика» ишлаб чиқариш-савдо корхонасида тайёрланаётган қора кўзойнаклар машина ҳайдовчиси учун қулайлик яратишга ёрдам беради. Бу кўзойнак кўзни қуёшдан, рўпарадан келаётган машиналар чироқлари нуридан асрайди. Корхона мутахассислари ишлаб чиққан янгиликни офтальмологлар яхши баҳоладилар ва ундан амалда фойдаланила бошланди. Сотувга чиқарилган кўзойнакларнинг дастлабки туркуми жуда тез сотиб тугатилди. Қўшни республикалардан ҳам буюртмалар келяпти.

● Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг олимлари чигитнинг униб чиқиш сифатини оширишга ёрдам бердилар. Бу ерда экин экиш учун ариқ очишда фойдаланиладиган якка дискли плуг тиши ишлаб чиқилди. Уруғлик тупроққа зич ўрнашиб, ариқ ёқасида бир текисда, муайян ораликда жойлашади. Натижада экишда нобудгарчиликка йўл қўйилмайди, кейинчалик қатор оралатиб ишлов бериш ва механизмлар ёрдамида пахта териш осонроқ бўлади. Синовлар янгилик бир гектар ердан олинадиган пахта ҳосилини 2,5 центнер оширишини кўрсатди.

(ЎзТАГ).

● *Маънавият масалалари*

УМИДБАХШ ҚАДАМЛАР

Қайта қуришнинг тўрт йили ҳам ўтди. Хотин-қизлар ҳаётининг турғунлик йилларида айтилмаган, ёлғон ялтироқ сўзларда ниқоблаб келинган муаммолари бир қадар маълум бўлди. Таассуфки, баъзи муаммолар, жумладан, оиланинг кундалик турмуши учун зарур буюмлар тақчиллиги, экологик вазиятдаги мушкулотлар ва шу билан боғлиқ равишда одамлар соғлиғининг ёмонлашуви, асаблар таранглиги ҳам юзага чиқдики, булар аёл-она жисмига, маънавиятига таъсир этмай ололмаси йўқ.

Хотин-қизлар ҳаётини енгиллаштирмоқ, кўнглини кўтармоқ — жамиятнинг ҳамма аъзолари манфаатини кўзламоқдир. «Қуш тилини қуш билади» деганларидек аёл тақдирини ўз тақдирдоши бўлмиш аёл ҳаммадан кўпроқ ҳис этиши табиий. Шу жиҳатдан хотин-қизларнинг партия, давлат, ҳукумат органларидаги вакиллари оналар, ишчилар, колхозчи дугоналари ҳаётида жиддий ўзгаришлар ясаш кераклиги ҳақида кўпроқ қайғуришлари шарт деб ўйлайман. Шу боис Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика ҳамда маҳаллий Советлар халқ депутатларига Мурожаатномасини маъқуллаб, янги сайланган хотин-қиз депутатларнинг айни шу масалада муштарак овозлари, ҳақли талабу исботларини эшитиш мудом эканлигини айтмоқчиман. Хотин-қизларнинг бекалик, аёллик, оналик латофатидан йироқлаштириб бораётган оғир ва ноқулай ҳаётий ҳақиқатлар онда-сонда айтилиб, саратонда ёққан ёмғирдек изсиз йўқолавермаса. Ахир тунги сменага ишга кетган оналарнинг қаровсиз қолган фарзандлари меҳрсизлик, эътиборсизлик туфайли билибми, билмайми ножўя йўлларга кириб кетмайди, деб ким кафолат беради?

...Яқинда Марғилонга борганимда амақимнинг икки яшар набираси изиллаб йиғлаб юрганидан ҳайрон бўлиб сўрадим;

— Онаси қани?

— Саодатхон тунги сменага ишга кетган, эрталаб келади, — жавоб қилишди менга.

Саодатхон Марғилон атлас ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайди. Туни билан онасиз қолган гўдакка ҳам, Саодатхонга (ўша пайтда у ҳомиладор эди) ҳам жоним ачишиб кетди. Онанинг иссиқ бағрию меҳридан бўлак нарсани тушунмайдиган бу мурғаккинанинг кўнглини ким англайди?

Фарғона, Тошкент тўқимачилик комбинатлари каби ўнлаб корхоналардаги ишчиларнинг кўпчилиги хотин-қизлардир. Улар тунги сменалардан озод қилинмаганлар...

Таажжубки, шикоятлардан аксарият жойлардаги хотин-қизлар кенгашларининг фаолиятсизлиги кўриниб турса да, шу пайтгача ўз ишига танқидий кўз билан қараган, хотин-қизларнинг ҳозирги аҳволидан жони оғриб баҳсларга киришган кенгаш раисларини кам кўрамиз. Ҳамон ўз вазифаларини фақат тўйларни янгича ўтказмоғу, оилавий можароларни ҳал этмоққа бош бўлмоқдан иборат, деб тушанадиган кенгаш раислари қанча. Бундайлар муаммоларнинг ижтимоий илдизларини ёки ҳис этмайдилар ёки билиб туриб билмасликка оладилар. Ҳамон ўша-ўша ҳисоботлару йиғилишлар...

Ўтган йили Андижон вилоятининг Жалолқудуқ районига бордим. Эрининг хўрлашлари оқибатида 27 ёшли Замира Тешабоева қотилликка қўл урган. Ҳужжатлардан маълум бўлдики, Замира Оламушук посёлка Советига бир неча марта арз қилиб борган, ёрдам сўраган. Лекин фожиа бўлиб ўтгандан кейин билдикки, посёлка Совети хотин-қизлар кенгашининг раиси Замирани умуман танимас экан. Худди шу воқеадан ўч ойгина олдин Саида исмли аёлнинг ўз жонига қасд қилишига район газетасининг аёлга нисбатан ғайриқонуний, маданиятсизларга муносабати ва бу муносабатнинг хотин-қизлар кенгаши «фаол»лари томонидан маъқулланганлиги сабаб бўлган.

Қайта қуриш маънавиятимизда ҳам инқилоб яратмоғи керак. Ўз масъулиятларини жиддий ва теран англаб, фаолиятларини қайта қуриб фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар кенгашлари ва уларнинг раисларидан ўрганиш лозим. Тошкент вилоятининг Қуйбишев райони хотин-қизлар кенгаши раиси Гулнора Йўлчиева бошчилигида амалга оширилаётган тадбирлар чин маънода аёлнинг ижтимоий ҳаётдаги ўз ўрнини англаб олишига ва унга эгалик қилишига, уларнинг маънавий юксалишларига қаратилган. Шу районнинг Улуғбек посёлкаси хотин-қизларини бирлаштирган клуб жонкуярлари ёш қизларни оилавий ҳамда мустақил ҳаётга тайёрлашдан тортиб, меҳнаткаш аёлни ҳуқуқий, тиббий, тарихий-маданий илмлар асослари билан таништириб боришгача ўз иш режаларига киритган. Муҳими белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетмаётир.

Табиатан аёл қонига омухта бўлган фазилатлардан юксак мақсадларни амалга оширишда кенг фойдаланмоқ керак. Мазкур фикрни хотин-қизлар фаолиятини завод-фабрикаларда, далаларда, умуман ишлаб чиқаришда янада кўпроқ қўлланиш лозим, деган маънода тушунмаслик керак.

Уларга кўпроқ шарт-шароитлар яратиб беришни ўйлашимиз, амалга оширишимиз керак. Кейинги йилларда қишлоқ аёллари билан учрашганда: «Сўнгги марта қайси китобни ўқидингиз?» — деб савол бериш фойдасизлигини тан олиб қўйганман. Рўзғор, бола-чақали бекаларни қўяверинг, мактабни яқиндагина битирган кўпчилик сингилларим ҳам бу саволга камдан-кам қизармай жавоб қайтарадилар. Кинотеатрларда, клубларда маданий ҳордиқ чиқариш ҳақида оғиз очишга-ку ҳожат йўқ. Турли вилоятларнинг кўп қишлоқларида «Ҳаммом район марказида, 3—4 километрлаб (бу — энг кам масофа) йўл босиб бориш қийин...» деган гапни эшитасиз.

Аёлларга энг аввало уй бекалигининг барча оромларини тайин этмоқ керак. Ҳозир юзлаб аёллар тирикчилик ташвишида кунларининг энг самарали қисмини корхоналарда ўтказадилар. Ҳукуматимиз олдига хотин-қизларнинг иш вақтини янада қисқартириш ҳақидаги ҳақли талабни кескин тарзда қўйган ҳолда, рўзғор ҳароратидан йироқлашиб бораётган аёлларни уй бекалигини ҳис этишга ўргатмоқ керак. Бошқа имкониятлар-чи?!

Бугунги кунда районларда маиший хизмат кўрсатишнинг сертомир идоралари бор, деймиз. Аммо расмий маълумотларга кўра, жумҳуриятимиз хўжаликларининг ярмида маиший хизмат пунктлари йўқ. Қишлоқларни-ку, гапиришгаям ҳожат йўқ, аммо бу тармоқ ходимлари пойтахтда ҳам аҳолининг оғирини енгил қила олмаяптилар.

Хотин-қизлар кенгашлари ишини тубдан ўзгартириш керак. Бу масъулиятни аёллар ўзлари ишонган кишиларгагина топширсинлар. Азал-азалдан маҳаллаларда хотин-халаж ўз сиру асрорларини ишонадиган, ёрдам керак бўлганида тортинмай уйига кириб борадиган кайвони аёллар бўлишарди. Уларнинг мансаби йўқ, аммо малҳам сўзи, холис маслаҳатлари, имонни бутлайдиган ўгитлари бор эди. Улар дарров мажлис чақириб аёл сирини элга ошкор қилмайдилар. Эсимда, ўтган йили Тошкент области районларидан бирида келинчак рўзғордаги келишмовчиликлар ҳақида маҳалла комитетига кўнглини очса, оқшомда келинчак уйига маҳалланинг бир неча фаоллари кириб келишган, қайнона-қайнотани «инсофга чақиришган» экан. Фаоллар кетишгач, келинчакнинг оила сирини кўчага олиб чиққани учун баттар маънавий эзишган. Натижада келинчак ўзига ўт қўйиб юборганди. Менимча, хотин-қизлар кенгашлари фаоллигига аввало, хўжакўрсинга ишламайдиган, муайян воқеликлардан тўғри хулосалар, чиқариб, аёл осойишталигини кўзлаб иш тутадиган оқилаларни жалб этиш керак. Масъул лавозимларда ишлаётган аёлларни кенгашлар раислигига сайланиши кўра-била туриб бу муҳим соҳани ўз ҳолига ташлаб қўйишдир. Чунки уларнинг жамоат ишига вақти кам. Бугунги кунда хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланиш учун айни шу иш билан банд бўладиган қанчалаб конкуярлар, ишбилармонлар керак. Бу ишни аёлларга қўшимча вазифа қилиб топшириш ва унга арзимаган маош белгилаш, қайтараман, энг зарур соҳага эътиборсизликдир. Ўйлаймизки, депутатларимиз навбатдаги сессияларгача жумҳурият хотин-қизлари аҳволини яхшилаш юзасидан жиддий платформалар тайёрлайдилар ва уларнинг рўёби учун курашадилар.

Ўтаётган йилимиз хотин-қизларга ва фарзандларимизга ғамхўрлик масаласида қутлуғ тадбирлар билан бошланди. Жумҳуриятимиз ҳукумати барча мактабларнинг 1—5 синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминламоқда. Ҳомиладор ва камқонлик касаллигига йўлиққан аёлларимизни ҳар куни қувватли ва сервитамин озиқ-овқатлар билан таъминлаш учун қўшимча 100 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бу савобли ишлар хотин-қизлар қалбини, қаддини, қадрини тиклаш йўлидаги дастлабки умидбахш қадамлар, дейишга асос бор.

Муҳтарама УЛУҒОВА.

● *Спорт*

ШАҲМАТ:
ЯНА КАСПАРОВ — КАРПОВ

● Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида бир неча кун давом этган тож даъвогарлари баҳси муддатидан илгари якунланди. Жаҳон собиқ чемпиони А. Карпов голландиялик Я. Тимман билан тўққизинчи учрашувдаёқ мақсадга эришди. Ана шу учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган А. Карпов умумий ҳисобни 6,5:2,5 га етказди. Шундай қилиб, Анатолий Карпов жаҳон чемпиони Гарри Каспаров билан учрашадиган бўлди. Жаҳоннинг энг кучли шахматчилари ўртасидаги бу баҳс кузда ўтказилади.

САМБО:
ЙИРИК БАҲСДА

● Москвада қуролсиз ўзўзини ҳимоя қилиш беллашувида 13 мамлакатдан тўпланган самбочилар ўзаро беллашдилар. Халқаро мусобақада иштирок этган тошкентлик Фероз Аъзамов 68 килограмм вазнли полвонлар сафида муваффақият қозониб, голиблик супасига кўтарилди.



●

ЗИЁ МАСКАНИ

Пушкин номидаги Самарқанд область кутубхонаси вилоятнинг йирик зиё масканларидан биридир. Илмий-техника ва қишлоқ хўжалиги адабиёти бўлимининг ўқиш зали ўқувчилар билан доим гавжум бўлади. 6 мингдан зиёд китобхон ҳар ойда бу ерда ўз билими доирасини кенгайтиради.

Суратда: мактабгача тарбия билим юрти талабаси Махфират Тошбекова ва зооветеринария техникуми талабаси Абдурашид Мардонов ўқиш залида.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

●

КЎҲНА ЗАМИН САНЪАТИ

Тошкентда Хоразм маданияти кунлари санъат усталари, ижодкор ёшлар ва бадиий ҳаваскорлик коллективларининг катта концерти билан ниҳоясига етди. А. Навоий номли катта Академик театр саҳнасида Хоразм диёрининг ранг-баранг, хилма-хил, ўзига хос санъати намоён бўлди.

Маданият кунларининг қатнашчилари байрамона баҳор кунлари қандай ўтганлигини сезмай қолишди. Ижодий уюшмалар, меҳнат коллективлари ва ўқувчи ёшлар билан учрашувлар, концертлар ва спектакллар шу даражада кўп эдики, уларнинг амалда бўш вақтлари бўлмади.

Томошабинлар якунловчи концертда Хоразм областидан пойтахтимизга келган барча коллективларни кўришга муваффақ бўлишди. «Сарвиноз» ансамблининг қатнашчилари рақс тушганларида ҳаммани ҳайратда қолдиришди. Ансамбль турли ёшдаги ва касбдаги — рақс ва қўшиқни севадиган хотин-қизларни бирлаштирган. Хива санъат мактабининг ёш мусиқачилари томошабинларни халқ куйлари ҳамда ўзбек композиторларининг замонавий мусиқалари билан таништирдилар. Саҳнада биринкетин ижрочилар пайдо бўларди. Кимдир операдан ариялар айтар, кимдир балет рақсларини, хор ва чолғу асбобларига ёзилган асарларни ижро этарди. Миннатдор томошабинлар артистларни қарсаклар билан олқишлашарди. Санъаткорга бундан ҳам ортиқроқ мукофот бўлмаса керак.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

1990-1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

математика, амалий математика, механика, физика, астрономия, химия, биология, география, қуруқлик гидрологияси, фалсафа, социология, психология, тарих, ҳуқуқшунослик, журналистика, рус тили ва адабиёти, миллий мактабларда рус тили ва адабиётини ўқитиш, ўзбек тили ва адабиёти, шарқ тиллари ва адабиёти, роман-герман тиллари ва адабиёти, сиёсий иқтисод, фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари, геологик съёмка, фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилиш, геохимия, минералогия ва петрология, гидрогеология ва инженерлик геологияси, агрохимия ва тупроқшунослик.

КЕЧКИ БЎЛИМГА:

математика, физика, химия, биология, география, тарих, ҳуқуқшунослик, рус тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти.

СИРТҚИ БЎЛИМГА

география, қуруқлик гидрологияси, тарих, ҳуқуқшунослик, журналистика, рус тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти, сиёсий иқтисод, агрохимия ва тупроқшунослик.

АРИЗАЛАР КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА 15 МАЙДАН 24 ИЮНГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кундузги бўлимга аризалар 25 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Олий ўқув юртига кирувчилар ариза билан бирга ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), 086/У формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш стажига эга бўлган шахслар учун), 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат топширадилар.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ

Кечки ва сиртқи бўлимга кириш имтиҳонлари 25 июндан 10 июлгача ўтказилади.

Кундузги бўлимга кириш имтиҳонлари 16 июлдан 31 июлгача ўтказилади.

ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

МАТЕМАТИКА, АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА, МЕХАНИКА МУТАХАССИСЛИКЛАРИГА КИРУВЧИЛАР — математика (ёзма ва оғзаки), **физика** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (иншо) — **конкурссиз имтиҳон.**

ФИЗИКА, АСТРОНОМИЯ — физика (ёзма), **физика** (оғзаки), **математика** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (иншо), — **конкурссиз имтиҳон.**

ХИМИЯ — химия (ёзма), **математика** (ёзма), **физика** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (иншо) — **конкурссиз имтиҳон.**

БИОЛОГИЯ — биология (ёзма), **химия** (оғзаки), **математика** (ёзма), **она тили ва адабиёт** (иншо) — **конкурссиз имтиҳон.**

ГЕОГРАФИЯ — география (оғзаки), **математика** (ёзма), **СССР тарихи** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (иншо), — **конкурссиз имтиҳон.**

ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ — математика (ёзма), **география** (оғзаки), **СССР тарихи** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (иншо) — **конкурссиз имтиҳон.**

ФАЛСАФА — жамиятшунослик (ёзма), **СССР тарихи** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (диктант).

СОЦИОЛОГИЯ — жамиятшунослик (ёзма), **СССР тарихи** (оғзаки), **математика** (ёзма) — **конкурссиз имтиҳон, она тили ва адабиёт** (диктант).

ПСИХОЛОГИЯ — математика (ёзма), **жамиятшунослик** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (диктант).

ТАРИХ — она тили ва адабиёт (диктант), **СССР тарихи** (оғзаки), **география** (оғзаки), **жамиятшунослик** (ёзма).

ҲУҚУҚШУНОСЛИК — она тили ва адабиёт (диктант), **математика** (ёзма) — **конкурссиз имтиҳон, СССР тарихи** (оғзаки), **жамиятшунослик** (ёзма).

ЖУРНАЛИСТИКА — она тили ва адабиёт (ижодий иншо), **она тили ва адабиёт** (оғзаки), **жамиятшунослик** (ёзма), **чет тили** (оғзаки).

РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ — рус тили ва адабиёти (диктант), **рус тили ва адабиёти** (оғзаки), **СССР тарихи** (оғзаки), — **конкурссиз имтиҳон, чет тили** (оғзаки).

МИЛЛИЙ МАКТАБЛАРДА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎҚИТИШ — рус тили ва адабиёти (диктант), **рус тили ва адабиёти** (оғзаки, миллий мактаб программаси ҳажмида), **СССР тарихи** (оғзаки), **ўзбек тили** (оғзаки), — **конкурссиз имтиҳон.**

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ — ўзбек тили ва адабиёти (диктант), **ўзбек тили ва адабиёти** (оғзаки), **СССР тарихи** (оғзаки), **чет тили** (оғзаки, ўрта ўқув юртларида чет тили ўқимаганлар учун имтиҳон рус тилидан миллий мактаб программаси ҳажмида ўтказилади).

ШАРҚ ТИЛЛАРИ ВА АДАБИЁТИ — она тили ва адабиёт (диктант), **чет тили** (оғзаки), **СССР тарихи** (оғзаки), **география** (оғзаки).

РОМАН-ГЕРМАН ТИЛЛАРИ ВА АДАБИЁТИ — она тили ва адабиёт (диктант), **чет тили** (оғзаки), **она тили ва адабиёти** (оғзаки), **СССР тарихи** (оғзаки) — **конкурссиз имтиҳон.**

СИЁСИЙ ИҚТИСОД — математика (ёзма), **жамиятшунослик** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (диктант).

ГЕОЛОГИК СЪЕМКА, ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИНИ ҚИДИРИШ ВА РАЗВЕДКА ҚИЛИШ — физика (оғзаки), **география** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (иншо) — **конкурссиз имтиҳон.**

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИНИ ҚИДИРИШ ВА РАЗВЕДКА ҚИЛИШНИНГ ГЕОФИЗИК УСУЛЛАРИ — математика (ёзма), **физика** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (иншо), — **конкурссиз имтиҳон.**

ГЕОХИМИЯ, МИНЕРАЛОГИЯ ВА ПЕТРОЛОГИЯ — химия (оғзаки), **физика** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (иншо) — **конкурссиз имтиҳон.**

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ — математика (ёзма), **физика** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (иншо) — **конкурссиз имтиҳон.**

АГРОХИМИЯ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК — биология (ёзма), **химия** (оғзаки), **физика** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (иншо) — **конкурссиз имтиҳон.**

Конкурссиз имтиҳон — «қониқарли» ёки «қониқарсиз» деб баҳоланади.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ҳунартехника билим юрти ҳамда ўрта махсус ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар битта имтиҳон — рўйхатда биринчи кўрсатилган имтиҳонни топширадилар. Ушбу имтиҳондан «5» баҳо олган абитуриентлар кейинги имтиҳонларни топширишдан озод қилинадилар. «4» ёки «3» баҳо олганлар қолганларини ҳам топширадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олишда бу имтиёздан «СССР олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари» асосида биринчи навбатда ўқишга қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар фойдаланадилар (қайд этилган қоиданинг 7-пункти).

Медалистлар ҳамда ўрта махсус ўқув юртларини имтиёзли диплом билан тугатганлар геология факультетига кириш имтиҳонлари топширмай, суҳбат натижаларига қараб қабул қилинадилар.

Дорилфунун қўнимгоҳи: 700095, Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунуни.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р 02188. № 73. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12